Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 12 апрель, сешанба № 73 (21. 677). Сотувда эркин нархда.

ҲАР БИР ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН ЖАВОБГАРМИЗ

СУРАТЛАРДА: йиғилишдан лавҳалар.

А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Шу йил 9 апрель куни республика вазирликлари, давлат қўмиталари, уюшмалар, тегишли ташкилот, муассаса ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари, олимлар иштирокида Вазирлар Маҳкамасида мажлис бўлди. Уни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда республика ҳудудида баҳор-ёз ойларида тошқин-сел оқимларини талофатсиз ўтказиб юбориш, рўй берган кўчки оқибатларини тугатиш ва келгусида бундай ҳодисаларнинг олдини олиш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

Президент Ислом Каримов мажлисни очар экан, бугунги кўриладиган масала тасодифан пайдо бўлмаганини айтди. Республикадаги гидрометеорологик вазиятни яъни бу йил қор ва ёмғир меъёридан ортиқ ёққанини, у тошқин, сел, кўчки каби ҳалокатли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, мутасадди ташкилотлар, илмий муассасалар ўз хулоса ва тавсияларини берган, ана шу таклифлар асосида Вазирлар Маҳкамаси 14 февраль куни «1994 йилнинг баҳор-ёз даврида тошқин ва сел оқимларини талофатсиз оқизиб юбориш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилган, унда бу борадаги амалга оширилиши зарур бўлган ишларни ташкил этиш юзасидан аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиб берилган эди. Мазкур қарорни алоқадор муассаса, ташкилотлар, вилоят ҳамда туман ҳокимликлари қандай бажармоқда? Бугун ана шу масалада фикрлашиб олмоқ, ҳозирги вазият нуқтаи назаридан қўшимча чора-тадбирлар белгиламоқ лозим.

Мажлисда таъкидлаб ўтилдики, республикада кўчки ва сел-тошқинлар билан боғлиқ аҳвол анча мураккаб. 1993 йилнинг октябридан шу вақтгача Сурхондарё, Қашқадарё, Қорадарё ва Фарғона водийси жанубидаги дарёлар ҳавзаларида тўпланган ёғинсочинлар миқдори кўп йиллик ўртача кўрсаткичга нисбатан 100—120 фоизни, Вахш, Панж, Зарафшон ҳавзаларида, Норин дарёсининг юқори қисмида ва ўнг соҳилида 120—140 фоизни, Норин дарёсининг чап соҳили ҳавзаларида, Сирдарё, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг ўнг қирғоқларида 140—170 фоизни ташкил этди.

Шу йил март ва апрель ойларидаги ёғингарчиликлар тошқин ва кўчки хавфи бўлган минтақаларда намликнинг кўпайишига сабаб бўлди. Кўпгина дарёлардаги сув миқдори нормадагидан анча юқори даражададир. Ҳароратнинг кескин кўтарилиши ва қорларнинг тез эриши натижасида апрель-май ойларида Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг ҳамда Фарғона водийсининг тоғолди минтақаларида сел ва сув тошқинлари рўй бериши мумкин.

Мутахассисларнинг хулосасига кўра, шу йилнинг апрель-май ойларида тўсатдан рўй бериши мумкин бўлган кўчкилар биргина Тошкент вилояти ҳудуди бўйича 56 аҳоли пунктига, 600 дан зиёд хонадонга, 68 йўл, асосий каналларнинг 32 участкасига ва бошқа иншоотларга таъсир этиши мумкин.

Лекин вақтида кўрилган тадбирлар ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш, республика кўрадиган зарарни анча камайтириш имконини берди. Мисол тариқасида шуни айтиш керакки, қўшни давлатларда ўтган йили кўрилган зарар расмий маълумотларга кўра, 300 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этган. Ўтган йили Ўзбекистонда бирорта ҳам халқ хўжалиги иншооти талофат кўргани йўқ.

Мавжуд шароитни назарда тутиб жойларда сув тошқинларига қарши кураш комиссиялари ташкил этилди, доимий фаолият кўрсатадиган штаблар ишлаб турибди, сел ва сув тошқини хавфи кучли бўлган жойлар аниқланди. Аҳолини хавф-хатарсиз жойларга вақтинча кўчириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Хусусан, Қашқадарё ҳокимлигининг фавқулодда вазиятлар бўйича комиссияси вилоят ташкилотлари билан биргаликда қисқа вақт мобайнида 488 оила яшайдиган 41 қишлоқни хавф-хатарсиз жойга кўчирди. Улар учун шошилинч тартибда 13 минг квадрат метр уй-жой қурилди, бу ерларни обод қилиш учун 360 миллион сўм ажратилди. Хавфли жойлардан кўчирилган меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳаммаси ишга жойлаштирилди. Кўчиб келинган жойда одамларнинг истиқомат қилиши учун зарур шарт-шароит яратилди, тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, республиканинг айрим минтақаларида қарорда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш асоссиз равишда чўзилиб кетмоқда. Аҳолини кўчки ва сел хавфи бўлган жойлардан кўчириш жадал амалга оширилмаяпти. Дарё, сойларнинг соҳил ва ўзанларида, сел йўлларида тартибсиз, назоратсиз равишда уй-жой, дала ҳовлилари қуриш давом этмоқда. Шу сабабга кўра Чирчиқ дарёсининг сув ўтказиш имконияти уч баравар камайди. Оҳангарон, Қашқадарё, Зарафшон ва бошқа дарёларда ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин.

Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, фуқаро мудофааси ва Фавқулодда вазиятлар бўйича республика комиссияси, Гидрометеорология бош бошқармаси, Давлат геология қўмитаси мутахассислари ўтказган текширишларнинг кўрсатишича, хавфли жойлардаги шаҳарча ва қишлоқларнинг бугунги кунда республика бўйича атиги 30 фоизи кўчирилган. Шунингдек, вилоят ва туман ҳокимлари ариқларни, сув оқизиладиган қувурларни, сел йўлларини, зовурлар ва каналларни тозалаш ишларини зарур даражада амалга оширмаяпти. Натижада кўпгина шаҳарча ва қишлоқларда ҳовлилар, хонадонлар, аҳоли истиқомат қиладиган жойлардаги кўчалар қор ва ёмғир сувларига тўлмоқда.

Бундан ташқари, айрим вилоятларда ҳимоя дамбаларини тузатиш бўйича тупроқ ва шағал ётқизиш ишлари ҳажми тўла бажарилмаган. Чунончи, Навоий вилоятидаги «Айдаркўл» қирғоқларини мустаҳкамлаш мақсадида тупроқ ётқизиш ишларининг атиги учдан бир қисми амалга оширилган. Бугунги кунгача Андижон вилоятида Тентаксой яқинида жойлашган жамоа хўжаликларида, шунингдек, кўчки хавфи бўлган Норбўта қишлоғи адирларида дамбаларни мустаҳкамлаш ишлари ҳали бошланмаган.

Мажлисда республиканинг бирорта вилояти ҳам сел ва тошқин сувларини талофатсиз оқизиб юборишни таъминлаш мақсадида режалаштирилган ҳимоя ишларини тўлиқ ҳажмда бажармагани қаттиқ танқид қилинди.

Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология Бош бошқармаси бошлиғи В. Чуб, мудофаа вазири Р. Аҳмедов, мелиорация ва сув хўжалиги вазири Р. Гиниятуллин, геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Т. Шоёқубов, сейсмология институти директори Қ. Абдуллабековнинг мазкур масалага доир ахборотлари тингланди.

Ахборотлардан маълум бўлишича, тоғлардаги тўпланган қор миқдори, республика ҳудудида жойлашган сув омборларнинг ҳолати пухта ўрганиб чиқилган, сел ва тошқин хавфи мавжуд бўлган жойларга аҳолини огоҳлантирувчи ва хабардор этувчи постлар ташкил этилган, улар кечаю кундуз вазиятни назорат қилиб турибди. Фавқулодда ҳолатларда сел оқимини йўналтириб юбориш учун заҳира сув ҳавзалари белгилаб қўйилган. Сув омборларининг тўғонлари мустаҳкам, уларда ёрилиш ва ўпирилиш хавфи йўқ. Илмий текширишлар кучли зилзилалар рўй бериши хавфи ҳам йўқ эканини кўрсатмоқда.

Бизнинг тақдиримиз, ҳаётимиз иқтисодимиз табиат билан, об-ҳаво шароити билан чамбарчас боғлиқ, дея таъкидлади Ислом Каримов. Оддий пахта масаласини олиб кўрайлик. Пахта — иқтисодиётимиз асоси, ризқ-рўзимиз экани ҳеч кимга сир эмас. Мана, чигит экиш мавсуми бошланди. Шу пайтда гидрометеорология маркази мутахассислари бу ишни амалга оширишнинг энг қулай вақтларини тавсия этишлари, ўз башоратларининг нечоғли тўғри эканига жавоб беришлари керак. Чунки чигитни экиб қўйиб, кейин уни жала ювиб кетиб, яна қайта экаверишдан ҳеч қандай наф йўқ. Ҳозир қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги 300 дан зиёд об-ҳавони кузатиш нуқтаси тугатиб юборилгани айтилди. Уларни дарҳол тиклаш керак. «Хасис одам — икки баравар кўп тўлайди» деган мақол бор. Миллион сўмимни тежайман деб, охир-оқибатда миллиардлаб зарар кўриш, ёки, аксинча, вақтида сарфланган маблағ кейинчалик минг бора кўп фойда келтириши мумкин.

Халқда «ҳар эҳтимолга қарши» деган теран маъноли гап бор, деди Президент. Бу рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай мушкилотнинг чорасини кўриб қўй, кейин қийин аҳволга тушиб қолма, дегани. Биз учун инсон ҳаёти — энг азиздир. Ҳеч нарса — на демократия, на ислоҳот битта гўдакнинг бевақт ҳазон бўлган ҳаётига арзимайди. Давлат ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз фуқаролари ҳаётини муҳофаза қила олиши, унинг ҳалол меҳнат билан топган бойлиги, нобуд бўлишига, уй-жойи сув ёки тупроқ остида қолишига йўл қўймаслиги керак. Бу ҳаммамизнинг, айниқса, ҳокимларнинг зиммасида турган энг масъулиятли вазифадир. Бепарволик, лоқайдлик оқибатида ана шундай ҳолатларга йўл қўйиш — ватан, халқ олдидаги энг катта жиноятдир. Буни ҳамма теран англаб олмоғи шарт!

Вазирлар Маҳкамаси қарорини бажаришда нега сустқашликка йўл қўйилди? Нима учун омборлардаги ортиқча сувлар, то марказдан вакил бориб мажбур қилмагунича, вақтида оқизиб юборилмади? Нега оилаларни кўчки хавфи бор жойлардан кўчириш секин кечмоқда? Менимча, бу ҳолнинг сабаблари қуйидагилардан иборат, деди Ислом Каримов. Таассуфки, зиммасига улкан масъулият юкланган кўпгина шахслар бепарволик иллатидан ҳамон халос бўлолмаяпти. Кўпчиликнинг бирор фалокат рўй бериб, бошига бир мусибат тушганидан кейингина кўзи очилади. Ҳозир жойлардаги айрим раҳбарларда ҳамма масалани биров юқоридан келиб ечиб беради, деган кайфият пайдо бўлган. Ҳокимлар шуни тушуниб олиши керакки, ҳукумат ёки илмий муасса салар тавсия беради. Агар, сезгир бўлмаса, ана шу кўрсатмаларни вақтида бажармаса, бунинг оқибатида биронта одам ҳалок бўлса, бунинг учун ҳокимлар шахсан жавоб беради.

Иккинчи сабаб, бу — бизнинг сувга ўта кўзимиз очлигидир. Тўғри, сув айниқса бизнинг шароитимизда ҳаёт, демакдир. Чунки, республика ҳудудидаги сув заҳиралари қишлоқ хўжалиги эҳтиёжининг 70—75 фоизинигина қоплайди. Шунинг учун ҳам бирор сув омборидаги ортиқча сувни чиқариб юбориш нафақат ҳоким, балки сув омбори бошлиғи, ҳатто оддий деҳқон учун ғоят мушкул: ёзда нима қиламан деб ўйлайди. Шунинг учун бу масалани марказлашган ҳолда ҳал этиш, яъни тегишли вазирлик ва идоралар аниқ ҳисоб-китоблар асосида қайси сув омборида қанча сув сақланишини белгилаб бериши керак. Чунки ҳокимлар ҳам, деҳқонлар ҳам тоғда қанча қор борлигини, омборга қанча сув келиб қўшилишини аниқ билмайди.

Белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда тўғаноқ бўлаётган учинчи нарса, бу — масъулиятсизликдир. Одатда, биз бирор қарорни қабул қилаётганда шуни бажариш имкони борми, қўлингиздан келадими, деб сўраймиз, деди Ислом Каримов. Лекин кўпинча унинг ижросига келганда, турли баҳонаю сабаблар пайдо бўлади. Ҳолбуки, қабул қилинган қарор вақтида, тўла бажарилиши шарт.

Тўртинчи сабаб, бу — аҳоли ўртасида тушунтириш ишларининг яхши йўлга қўйилмаганидир. Ишларнинг ҳужжати йўқ, одамларда «Бошга тушганини — кўз кўрар» деган кайфият бор. Бунга барҳам бериш лозим. Бундай одамларга, сизнинг, бола-чақаларингизнинг ҳаёти биз учун жуда азиз, деб айтиш керак.

Сел, тошқин ва кўчки хавфи мавжуд жойлардан одамлар нега кўчишни истамайди. Бу борада давлат суғурта идоралари қандай фаолият кўрсатяпти? Улар кўчадиганлар учун етарли даражада товон пули тўлаяптими? Бу масалаларни ҳам республика Молия вазирлиги пухта ўрганиб чиқиши ва ечимини топиши керак. Токи, яшаб турган жойини тарк этаётган ҳар бир оила бундан ҳеч қандай моддий зарар кўрмаслигига тўла ишонч ҳосил қилсин.

Аҳолини хавфсиз жойларга кўчиришни икки босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқдир, деди Президент Ислом Каримов. Биринчи босқичда кўчки, сел хавфи кетгунга қадар, одамларни тахминан 2 ойга вақтинча бошқа жойларга олиб чиқиб туриш лозим.

Иккинчи босқич эса мунтазам режа асосида, янги бунёд этиладиган шаҳарча ва қишлоқларнинг заминини — тупроқ тузилишини, ер қатлами таркибини пухта ўрганган ҳолда амалга оширилади. Умуман, бундан кейин ҳар бир иншоотни, турар жой биноларини бунёд этишда ана шу ҳолатларни инобатга олиш, олимларнинг, илмий муассасаларнинг хулосаларига таяниб иш кўриш қатъий қонидага айланиши зарур.

Мажлисда ҳозирги шароитда фуқаро мудофааси бўлинмаларининг фаолияти катта аҳамият касб этиши, улар бирор фалокат рўй беришини кутмасдан, унинг олдини олиш чораларини кўриши лозимлиги таъкидланди. Сел, тошқин ва кўчки хавфи мавжуд бўлган жойларга, қандай баҳона-сабаб бўлмасин, одамларни қўймаслик вазифаси топширилди.

Мажлисда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Мажлисда республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, А. Возненко, К. Тўлаганов, М. Усмонов қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчилари Қорақалпоғистон Республикаси халқига йўллаган табрикномангиз учун Сизга чексиз миннатдорлик изҳор қиладилар.

Сизнинг самимий табрикномангиз ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг қадимдан муштарак тарихини, бетимсол қон-қардошлигини, азиз оға-инилигини яна бир марта исботлади. Тарих ва табиатнинг оғир синовларида бирга тобланган, она-Ватанимиз — Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яратишга ўз ҳиссаларини қўшишга бел боғлаган Қорақалпоғистон халқи Сиз белгилаб берган тараққиёт йўлидан ишонч билан дадил бораверади! Бу йўлда бизга Сиз ишлаб чиққан бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги тамойиллар мукаммал қўлланма бўлади!

Қадрли Ислом Абдуғаниевич! Шу нарсани мамнуният билан изҳор этамизки, давримизнинг ҳар бир куни барчамизга эзгу умидлар бахш этади, халқларимизнинг тинчтотувлиги, ҳаётимизнинг осойишталиги, халқнинг ўз йўлбошчисига, йўлбошчининг эса ўз халқига ишончи давлатимизнинг буюк келажаги асосидир.

Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, улкан ва савобли ишларингизда куч-қувват тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг Ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлаш йўлидаги оқилона сиёсатингиз туфайли жонажон Ўзбекистонимиз қисқа муддат ичида жаҳонга доврук таратди. Унинг халқаро миқёсдаги ўрни тобора мустаҳкамланиб, обрўси кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу улуғвор ишларни рўёбга чиқаришда Сизнинг фаолиятингиз бизга ўрнак бўлғусидир.

Шу мураккаб даврда халқимизнинг осойишталигини таъминлаш йўлида сарфлаётган куч-ғайратингизни юксак қадрлаймиз. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Сиз ҳамиша қалам аҳлининг, журналистларнинг энг яқин дўсти ва ғамхўр раҳнамоси бўлиб келмоқдасиз. Буни журналимизнинг қутлуғ 70 йиллик тўйи нишонланаётган кунларда яна бир бор чуқур ҳис этдик. Шу муносабат билан жамоамиз номига юборган табрик хатингиз ва бир гуруҳ ходимларимиз ватаннинг юксак мукофотлари билан тақдирланганидан бошимиз осмонга етди. Матбуот фахрийларининг эътироф этишларича, ҳеч қачон, ҳеч қайси даврда «Муштум»га нисбатан бунчалик эътибор бўлмаган экан.

Ушбу миннатдорчилик сўзларини изҳор этар эканмиз, мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақига, истиқлолимизнинг мустаҳкамланишига тўғаноқ бўлаётган ҳар қандай нуқсон ва иллатларни йўқотиш, қўпорувчи кучларга қақшатқич зарба беришга ҳамиша тайёрмиз. Сиз амалга ошираётган улуғвор ва саховатли ишларда доимо камарбаста бўлиб туришга сўз берамиз.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан
«Муштум» журнали жамоаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ПУЛ МУОМАЛАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА «СЎМ-КУПОН»НИНГ ХАРИД ҚУВВАТИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Пулнинг барқарор муомалада бўлиши, «Сўм-купон»нинг харид қувватини ошириш ҳамда Марказий банкнинг олтин-валюта заҳирасини яратиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Шу йилнинг 15 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Россия Банкининг пуллари муомалада бўлиши ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан барча тўлов турларига қабул қилиниши тақиқлансин.

Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, савдо ташкилотлари ва корхоналарга, бошқа юридик шахсларга, шунингдек, жисмоний шахсларга назорат-касса аппаратлари албатта мавжуд бўлган тақдирда эркин муомаладаги валютага товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишга рухсат берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида 1-бандга мувофиқ савдо-сотиқ ва хизматлар кўрсатиш шунингдек, солиқ солишни такомиллаштириш тартиби тўғрисида таклифлар киритсинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки, юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига келтирилган товарлар бўйича улар сотиб олинган маблағларнинг манбалари декларацияда кўрсатилмайди.

4. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, «Сўм-купон»нинг хорижий валюталарга нисбатан айирбошлаш курси шу йил 15 апрелдан ички ва ташқи бозорларда амалда таркиб топаётган конъюнктурани ҳамда нархлар нисбатини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг валюта биржасида мунтазам ўтказиб туриладиган савдолар чоғида белгиланади.

«Ўзнистиқболстат» Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Ўзулгуржибиржасавдо», «Ўзбексавдо» уюшмаси билан биргаликда товарларнинг тақдим этиладиган рўйхати асосида тегишли валюталарнинг нисбатларини мунтазам ва холисона аниқлаш учун ички, Россия ҳамда ўрта Европа бозорларидаги нархларни ҳисобга олувчи автоматлаштирилган тизимни вужудга келтирсинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, хорижий валюта билан бажарилган операциялар бўйича ҳисоб-китоб ва солиқ солиш Ўзбекистон Республикасининг валюта биржасидаги савдоларнинг натижалари бўйича қайд этиладиган Марказий банк курсига мувофиқ корхоналар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддат ичида корхоналарнинг хорижий валюталар, шу жумладан, собиқ СССР республикаларининг миллий валюталари билан операциялари бўйича бухгалтерия ҳисобнитоби ҳамда ҳисоботи тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ПУЛ МУОМАЛАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА «СУМ-КУПОН»НИНГ ХАРИД ҚУВВАТИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

6. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига:

Ўзбекистон Республикасининг доимий ишлайдиган валюта биржаси шу йил 15 апрелдан иш бошлашини таъминлаш;

банкларнинг вакиллари, Ички ишлар вазирлиги, Алоқа вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ҳамда бошқа идоралар билан биргаликда аҳолига валюта алмаштириб берадиган пунктлар тармоғини ташкил этиб, уларнинг ишлаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш тавсия қилинсин.

Жисмоний шахсларга Марказий банкнинг рухсатномалари мавжуд бўлган ва бундай фаолиятни амалга оширишнинг мажбурий шартларига риоя этилган тақдирда валютани алмаштириш билан шуғулланишга ижозат берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ўн кун муддат ичида Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда валютани алмаштириш операциялари билан банд бўлган юридик ва жисмоний шахсларни рағбатлантириш тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда 10 кун муддат ичида Марказий банкка олтин ва бошқа валюта заҳираларини сотиш тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Чет эл валютасидаги даромаддан Республика валюта жамғармасига 10 фоиз миқдорида; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг тегишли валюта жамғармаларига 5 фоиз миқдорида тўлаб келинган солиқ 1994 йилнинг 15 апрелидан бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 январдаги 1-сон қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. 1994 йилнинг 15 апрелидан бошлаб, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча корхоналар учун чет эл валютасида тушадиган даромаднинг 30 фоизини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига мажбурий тарзда сотиш тартиби белгилансин, шундан 10 фоизи Молия вазирлиги томонидан Республика валюта жамғармасига бериш учун, 5 фоизи эса, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан маҳаллий валюта жамғармаларини вужудга келтириш учун сотиб олинади.

10. Молия Вазирлиги Марказий банк ва Миллий банк билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида чет эл валютасида маҳсулот сотишдан, шу жумладан бартер (мавоза) йўли билан тузилган битимлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар)дан тушадиган, бошқа моддий бойликларни сотиш ҳамда савдо-сотиқдан ташқари, ишлардан тушадиган валюта даромадини Марказий банкка мажбурий тарзда сотиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

11. Шу йилнинг 1 майидан бошлаб собиқ СССР республикаларининг хўжалик юритувчи субъектлари билан ҳисоб-китоблар клиринг асосида ёки эркин муомаладаги валютада амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

12. Марказий банк ва Молия вазирлиги икки ҳафта муддат ичида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда валюта назорати тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсинлар, Низомда корхоналар экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш чоғида чет эл валютасидаги маблағларнинг ҳаракати тегишли тарзда назорат қилинишини ва шундай маблағларнинг чет эллардаги банкларда берухсат сақланиши имконияти истисно этилишини таъминлаш кўзда тутилсин.

13. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча корхоналар ва ташкилотлар собиқ СССР республикаларининг банкларида субсчёт ҳисоб-китоб варақаларини очган бўлсалар, уларнинг зиммасига мазкур субсчёт ҳисоб варақаларидаги мавжуд маблағлар ва уларнинг ҳаракати тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг тегишли хизмат кўрсатувчи банкларига мажбурий тартибда мунтазам ахборот бериб туриш мажбурияти юклансин.

14. Молия вазирлиги Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси билан биргаликда республикада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган давлат дастурини эътиборга олган ҳолда давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини муомалага чиқариш муддатларини белгиласин.

15. «Ўзэлсаноат» уюшмаси икки ҳафта муддат ичида «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» билан биргаликда мулкчилик шаклларидан қатъи назар, савдо корхоналари ва ташкилотларини 1995 йилнинг 1 январига қадар уларнинг буюртмаларига мувофиқ касса аппаратлари билан босқичма-босқич таъминлаш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

«Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддат ичида касса аппаратларидан фойдаланган ҳолда савдо-сотиқни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқсинлар.

Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган савдо корхоналари ва ташкилотлари касса аппаратларига эга бўлмаган тақдирда уларни рўйхатга олишни таъқиқласинлар.

16. «Ўзбексавдо» уюшмасига чет эллардан халқ истеъмол моллари олиб келишни ташкил қилиш учун хомашё заҳиралари ажратиб берилишида идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар раҳбарларининг зиммасига шахсий масъулият юклатилсин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг маҳаллий манбаларини қидириб топиш ва пулли хизматлар кўрсатиш, аҳолининг эркин пул маблағларини сафарбар этиш асосида аҳолининг тўлов қобилиятига эга бўлган эҳтиёжини товар заҳиралари билан мутаносиб ҳолга келтиришни ва ўзларига қарашли ҳудудда пул эмиссияси камайтирилишини таъминласинлар.

18. Вазирликлар ва идоралар норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқ ҳолга келтирсинлар.

19. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 11 апрель.

ПОКЛИК ТИЛДАГИНА БЎЛМАЙДИ

Қадимда барча жиноий ишларни қозилар ажрим қилган. Қозиларнинг ягона «Жиноят кодекси» — Қуръони карим бўлиб, улар барча ишни дин ақидалари асосида тафтиш қилиб, Оллоҳ номидан ҳукм чиқарган. Ислом аҳли қавмга энг тўғри, энг маърифатли йўлни кўрсатгани учун ҳам руҳонийлар аҳолининг энг мўътабар, эъзозлаги тоифаси ҳисобланган. Тарбия турлари ичида энг самаралиси ҳам диний тарбия бўлган...

Етмиш йилдан ошиқ давом этган коммунистик истибдод даврида динимиз «бадарға» қилинди, биз худодан юз ўгирдикми, худо биздан юз ўгирдими — нима бўлса ҳам, худосиз яшадик. Бунинг оқибатида тарихан қисқа муддат ичида маънавиятимиз қай даражада «бойигани» барчага маълум...

Худога беҳисоб шукрларким, мустақиллик туфайли жуда кўп қадриятларимиз, жуда катта маънавий бойлигимиз қаторида асосий бойлигимиз — «қувғин»да юрган динимиз ҳам «қайтиб» келди, худони қайтадан танидик ва яна беҳисоб шукрларким, худо ҳам бизни кечирди шекилли, бугунги кундаги аҳволимиз ёмон эмас...

Аммо, афсус ва надоматлар бўлғайким, истаган одам бемалол намоз ўқиш ва рўза тутиш имкониятига эга бўлган, кўплаб масжидлар қурилаётган, мадрасалар очилаётган, ҳайит кунлари ҳақиқий байрам қилинаётган, ҳаж сафарига отланганларга сафар шароити яратиб берилаётган бугунги кунимизда халқимиз ва динимиз шаънига мутлақо тўғри келмайдиган бир ҳодиса содир бўлди, яъни барчанинг эътиқоди ва эҳтиромида бўлган динимиз пешоваридан бир нечтаси қора курсига ўтирди. Бу ҳолни тасаввур қилиш ҳам, тасниф қилиш ҳам ниҳоятда оғир...

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Олий судида Моваароуннаҳр мусулмонлари идорасининг бир неча ходими устидан қўзғатилган жиноий иш кўрилаётгани ҳақида хабар қилинган эди. Мана энди иш кўрилиб бўлди, суд ҳукми чиқди. Қанчалик оғир бўлмасин, сизни бу жиноятчилар, уларнинг фаолиятидаги айрим ўринлар билан таништиришга мажбурмиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати очиқ суд мажлисида раислик қилувчи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатининг раиси А. Ишметов, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари О. Рўзиев, А. Дўстбобоевлардан иборат таркибда, давлат айбловчиси — Тошкент шаҳар прокурори Э. Жўраев, ҳимоячилар, жамоат ҳимоячиси иштирокида Моваароуннаҳр мусулмонлари идораси ходимлари — Муҳаммаднаби Миркомилов, Муҳаммадлатиф Жуманов, Миробид Мирмаҳмудов, Абдусаттор Муслимов, Зиёвуддин Жаҳонгировнинг жиноий иши кўриб чиқилди.

Жиноятчиларнинг айрим ишлари билан танишинг:

Моваароуннаҳр мусулмонлари идорасида масжидлар бўлими ходими бўлиб ишлаган Муҳаммаднаби Миркомилов 1992 йил сентябридан бошлаб идоранинг чет эл валютаси бўйича хазиначси лавозимини ҳам эгаллаб турган. У идорага тегишли 4400 АҚШ долларига 1992 йил октябрь ойида «ВАЗ—21061» маркали машина сотиб олиб, уни идора ҳисобига ўтказмасдан, ўз номига расмийлаштирган ва шахсий машина сифатида фойдаланган. Бундан ташқари, кичик корхона ҳадя этган 13000, туркиялик меҳмонлар масжид қуриш учун инъом қилган 60000, жами 73000 Америка долларини идоранинг «Ипак йўли» инновацион-тижорат банкидаги жорий ҳисобига топширмасдан, 1993 йил 12 июлга қадар ўз уйида яшириб келган.

Моваароуннаҳр мусулмонлари идорасида таълим (таъкид бизники — А. А.) бўлими мудири лавозимида ишлаган Муҳаммадлатиф Жуманов ҳа...обидан 1900000 сўмга «ВАЗ—2410» маркали, 600000 сўмга «ВАЗ—21063» маркали машина сотиб олиб, биринчисини ўз номига, иккинчисини эса ўринбосари Миробид Мирмаҳмудов номига расмийлаштирган.

1990 йилдан 1993 йилгача идорада хазиначи бўлиб ишлаган Абдусаттор Муслимов 699526 сўм маблағни ўзлаштирган.

Идора боши ҳисобчиси Зиёвуддин Жаҳонгиров идора жуда кўп тащкилот ва хўжаликларга ўтказган катта миқдордаги маблағни қайтариб олиш тўғрисида бош котирмаганидан ташқари, Москва саноат қурилиш банкига гўё Тожикистон учун ТУ—154 самолёти сотиб олишга 200000 Америка доллари ўтказган. Бу маблағ Россия Президентининг фармонига биноан Ўзбекистон Республикасининг қарзи сифатида ушлаб қолинган.

М. Жуманов идоранинг 1300000 сўмига «ГАЗ—31029» маркали автомашина сотиб олиб, унинг ҳужжати ва калитини бир кишининг қўлига топширган (бу киши билан кейинроқ танишасиз)...

Булар жиноятчилар фаолиятининг суд жараёнида қайд этилган айрим кўринишлари, холос...

Суд ҳукмидан парча:

«Суд судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, иш материалларини текшириб чиқиб, прокурор ва ҳимоячиларнинг нутқларини тинглаб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15, 61-моддаларига кўра Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда улар қонун олдида тенгдирлар.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг 1992 йил 27 февралда бўлиб ўтган қурултойида қабул қилинган Моваароуннаҳр мусулмонлари идораси низомининг 1, 6-моддаларига биноан мусулмонлар идораси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги бошқа қонунларга риоя қилган ҳолда олиб боради».

Ҳукмда амалдаги қонунлар ва идора низоми қоидалари кўпол равишда бузилганлиги туфайли шу жиноятлар содир этилгани кўрсатиб ўтилган.

Ҳукм қилди, қора курсида ўтирганларнинг хатти-ҳаракатларига муносиб баҳо берилди. Аммо, бутун суд жараёнида жиноятчилар қаторида қора курсида ўтирмаган бошқа бир кишининг исми шарифи тез-тез зикр этилиб турди. Барча ҳужжатларда ҳам ўша ном жуда кўп кўзга ташланади.

Бошқа бир ҳужжатдан парча:

«АЖРИМ

Жиноий иш қўзғатиш, қидирув эълон қилиш ва қамоққа олиш ҳақида

Суд судланганлар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, иш материалларини текшириб чиқиб, бундан ташқари қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланганлар айбли деб топилган барча жиноятлар Моваароуннаҳр мусулмонлари идорасининг раиси лавозимида ишлаган собиқ муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ташкилотчилиги ва бевосита бошчилигида содир этилган бўлиб, унинг амалдаги қонунларга, диний идора низоми қоидаларига риоя этмасдан, уларни қўпол равишда бузиб, ходимларига ғайриқонуний топшириқ, кўрсатмалар бергани натижасида келиб чиққан...

...Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳнамолигида **унинг самолёт сотиб олиш баҳонасида чиқарган ғайриқонуний буйруғига мувофиқ ХАЙРИЯ** (таъкид бизники — **А. А.) ишларига сарф қилиш учун чет давлатлардан келиб тушган валюта маблағларидан 200000 АҚШ доллари масжид-мадрасалар қуриш, уларни таъмирлаш, таълим-тарбия, вақф ва хайрия ишлари учун ишлатилмасдан,**

1991 йил 21 декабрида идора ҳисобидан Москва саноат қурилиш банкига Тожикистон Республикаси мусулмонлари қозиёти учун қурол сотиб олишга (таъкид бизники — **А. А.) ўтказиб юборилган...**

...Баён этилганларга кўра ва ҳозирги вақтда Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чет элга чиқиб кетгани, турар жойи номаълум эканини эътиборга олиб, жиноят процессуал кодексининг 169, 236-моддаларини қўллаб, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

1952 йилда Андижон вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Тошкент шаҳар, Уста Олим кўчаси, 28-уйда истиқомат қилиб келган Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 130-моддасининг 4-қисми ва 78-моддасининг 3-қисмида қайд қилинган жиноятларни содир этганини назарда тутиб жиноят иши қўзғатилсин.

Унга нисбатан қидирув эълон қилинсин ва ахтариб топилганидан кейин эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, қамоққа олинсин.»

Бу сатрларни ўқиш сизга нақадар оғирлигини сезиб турибман, азиз газетхон. Бироқ, афсуски, начора, ҳодиса содир бўлган, энди минг кўз юмганимиз билан уни орқага қайтариб бўлмайди...

Юқорида «исми табаррук»лари келтирилган «зот» яқин-яқингача бу унвонга қўшиб нуқсиз мушарраф эдилар. Аммо, доно халқимизнинг «Семизликни қўй кўтарар», дейдан мақоли ҳам бежиз туғилмаган экан. Мазкур «зот» ўзига кўрсатилган эҳтиром майдан сархуш бўлиб, ишончу ҳурмат юкини кўтаролмади шекилли, мусулмончиликнинг мезонларидан бири — қаноатни унутиб қўйди, асосий иши — қавмини иймону диёнатга чақириш ўрнига, шуҳрату мансаб кетидан қувиб, сиёсий найранг йўлига ўтди. Чунки, энди уни ҳозирги ҳурмату мартаба қаноатлантирмай қўйган эди. Маълумки, Раҳмон йўлидан озган одам албатта Шайтон йўлига киради. Халқни Раҳмон йўлига бошлайдиган «зот» энди Шайтоннинг қулига айланган, унинг: «Сен халқингга раҳнамо бўласан», деган васвасасидан бошқа нарсани эшитмас эди. Оқибатини, мана, кўриб турибсиз.

Республикамизда жиноятчиликка қарши катта кураш бошланган, бу кураш самарасини бераяпти, лекин, афсуски, жиноятчилик ҳали батамом тугагани йўқ. Бу — тушунарли ҳол, албатта. Чунки, ёмонлик илдизини бир кунда қуритиб бўлмаслигини барчамиз биламиз. Жиноят содир этаётганлар орасида турли тоифага мансуб кишилар бор. Аммо, сиз билан бизни поклик, ҳалолликка даъват этувчи дини ислом пешволарининг жиноят содир этиши... Идрок этиш ўта мушкул бўлган ҳол.

Жиноятга яраша жазо берилади, етказилган моддий зарар ўрни қопланади. Бу — аниқ гап ва ҳал этилиши унча қийин бўлмаган масала. Бироқ, шу бир суд жараёнида аниқланган жиноий ишлар етказган маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш (агар қоплаб бўлса!) эса, ниҳоятда машаққатли, ҳали-бери, битадиган иш эмас. Келинг, шу тўғрида салгина мулоҳаза юритайлик.

Шолининг ичида қурмак ҳам ўсиши табиий. Бироқ, бу гап — шолизорни қурмакзор, деб аташ лозим, деган гап эмас. Тил ва дилда фақат худонинг номи зикр этилиши лозим бўлган муқаддас даргоҳга тўрт-бешта нафси ҳакалак отган одам жойлашиб олгани — бу муқаддас даргоҳ нуфузига салгина соя ташласа-да, асосий моҳиятга назаримизни ўзгартиролмайди. Кишини бошқа нарса ўйлантиради. Ўғрилик, фаҳш, қаллоблик билан кун ўтказадиган одамлар бор. Уларни «худодан қўрқмаслар», деймиз. Улар ҳақиқатан ҳам худони билмайди ҳам, бинобарин, ундан қўрқмайди ҳам. Аммо, сизу бизни ҳар нафасда инсофга, мусулмончилик одатларига риоя қилишга, худодан қўрқишга чорлаб «амри маъруф» қиладиган одамларнинг ҳаромдан ҳазар қилмагани, ҳаром луқмани бошқа жойдан эмас, худонинг уйидан қидиришга худодан қўрқмаганига нима дейсиз?

Тожикистондаги биродаркушлик уруши қўшни, биродар халқ тарихида қора доғ бўлиб қолади. Маълумотларга қараганда, бу урушда тожик халқи берган қурбон иккинчи жаҳон урушида берилган қурбондан анча кўп экан. Ҳали ҳам совуқ нафаси уфуриб турган бу урушни аслида ким бошлаганини биламиз. Урушётганларни сулҳга чақирадиган, ўз номи билан тинчлик бўлган дини ислом вакили, ҳатто чумолига ҳам озор бермаслиги лозим, лекин юз минглаб миллатдошларининг қони тўкилишидан сесканмаган, бугунги кунда хорижда айшини суриб юрса ҳам, ҳамон қон ҳидини соғинаётган бу «зот»нинг исми шарифлари ҳам барчага аён — Акбар Тўражонзода. Президентимиз Тожикистонда вазият кескинлаша бошлаганиданоқ ташвишга тушгани, бу вазиятни юмшатишга урингани, хунхўрлик бошланганидан бери эса, бу мудҳиш оловни ўчириш мақсадида жон қуйдираётганини, БМТ Бош котибига бир неча марталаб мурожаат қилгани, ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб шу хусусда бонг урганни ҳолда, республикамизнинг аҳли мусулмони сиғинадиган муқаддас даргоҳ пешволари бу уруш оловини «пуф»лашга кўмаклашганини ким шуурига сиғдира олади? Масжид-мадрасалар қуриш, уларни таъмирлаш, таълим-тарбия, вақф ва Хайрия ишларига сарф қилиш учун ҳадя қилинган 200000 Америка доллари қон тўкиш учун ишлатишга инъом қилинганини инсон зотига қандай тушунтириб бўлади? «Жиноят» сўзи бу ишга баҳо бўлолмайди. Буни фақатгина қабоҳат, деб аташ лозим эмасми?

Ва ниҳоят. Бу қилмишлардан огоҳ бўлган оддий мусулмон фуқарода умуман дини Ислома нисбатан қандай фикр уйғонади? Бу қилмишлар олдида етмиш йилдан ошиқ давр мобайнида олиб борилган атеистик тарбия ҳеч нарса бўлиб қолмайдими?

Назаримда, содир этилган жиноят ҳам, ўзлаштирилган маблағ ҳам, моддий зарар ҳам бу маънавий зилзила оқибатида ҳосил бўлган **маънавий ўпқон** олдида бўлак-бўлак қилиб ташланган тана қаршисидаги бир эмлаш билан битиб кетадиган жароҳатга ўхшаб қолади.

Халқимизда: «Тили билан дили бир», деган сифат бор. Бу — асл инсон, асл мусулмоннинг сифати. Дилдаги нарса тилга чиққан тақдирдагина бу бирлик пайдо бўлади. Дилида бошқа нияти тилида ўзга гап бўлган инсон эса, мунофиқ ҳисобланади. Мунофиқлик Ислома кофирликдан ҳам ёмон баҳоланади...

Шу ўринда барча диндорлар, диний идора раҳбарларидан узр сўраган ҳолда битта мулоҳазани ўртага ташлашни лозим топдик. Маълумки, асов дарё ўзини у қирғоқдан бу қирғоққа уриб оқади. Орада қанча жойларни ўпириб ҳам кетади. Шунинг учун унинг лойқа сувини ичиш қийин бўлади. Ўзанига борганидан кейингина ўзи ҳам тинчланади, суви ҳам тиниқади. Ёшлик ҳам асов дарёдай гап. У ўзанига етгунига қадар анча-мунча номақбул ишларни қилиб қўйиши мумкин. Шундай экан, мусулмон фуқароларимизнинг энг эътиборли даргоҳи бўлмиш диний идораларга ҳам кўпни кўрган, оқ-қорани таниган, муҳтарам оқсоқоллардан етакчи сайлаш мақсадга мувофиқ бўлмасмикан?

Бу ердаги кичик «балиқча»лар тўрга илинди-ю, уларнинг илҳомчиси, фатводори бўлган акула хорижга қочиб, жазодан қутулиб қолдими? Менимча, бундай деб бўлмайди. Ҳеч бир ҳодиса мантиқдан ташқарида юз бермайди. Жиноятнинг моддий ва маънавий томонлари тилга олинди. Жазо ҳам айнан шу тариқа — икки хил, яъни, моддий ва маънавий бўлади. Маънавий ва моддий жазони асло тарози палларларига солиб бўлмайди. — Маънавий жазо юки босиб кетади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бу мудҳиш ишларнинг бошида турган раҳнамони худонинг ўзи жазолаб қўйганига имон келтирамиз. Чунки, юртдан айри тушиб, халқнинг нафратига учраб яшашдан оғир жазо бўлмайди бандаси учун!

Хуллас, бу ҳунук ҳодиса барчамизнинг кўзимизни очсин, тил бошқа-ю дил бошқа бўлиши, поклик тилдагина бўлганида не оқибатларга олиб келишидан ҳар қайсимиз ўзимизга хулоса чиқариб олайлик. Оллоҳ таоло ҳеч бир бандасининг пешонасига бундай тақдирни ёзмасин!

А. АЛИЕВ.

ТОБЕЛИККА ДАЪВАТМИ?

Мустақилликнинг учинчи баҳорини бошдан кечираяпмиз. Тарихан жуда қисқа муддат бизнинг онгимиз ва шууримизга бир неча ўн йилликлар мазмунини жойлаштирди. Дунёқарашимиз ўзгариб бормоқда. Онгимиз ва фикрлаш тарзимиз янгича мазмун касб этмоқда. Бироқ истиқлол ана шундай сифатлар билан бирга турли-туман зиддиятларни ҳам рўкач қилмоқда. Қарама-қаршиликлар гирдобида яшамоқдамиз. Иқтисодий, ижтимоий, маънавий, хуллас, инсон ҳаёти учун даҳлдор бўлган барча соҳаларда бир зум бошни қашиб, ақл билан ўйлаб иш қилишга мажбур бўляпмиз. Аммо, кўнглимизнинг туб-туби равшан, қалбимизнинг қатлари нурафшон. Ахир биз ўзлигимизга қайтаяпмиз, ўзлигимизни англаяпмиз. Миллат сифатида мавжуд эканлигимизни чуқурроқ ҳис этаяпмиз.

Мустақиллик даври чинакамига сабоқлар ва синовлар даври бўлмоқда. Ана шу зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, қийинчиликлар ва бўҳрону пўртаналар даврида ўз ақидасига содиқ, истиқболини аниқ кўраолган, келажагига қатъий ишонган кишигина бардош бераолади. Акс ҳолда тилёғламалик, оғмачилик, шамолга қараб иш тутиш каби нуқсонлар илдиз ота бошлайди. Президент Ислом Каримов **«Ана шундай мураккаб ўтиш даврида яшаётганимиздан фахрланаолишимиз керак. Бундай қийинчиликлар даврида барча мураккабликларни енгиб, келгуси авлодга ёруғ юз билан қараш, озод ва ҳур мамлакатни, ҳар томонлама тараққий топган миллатни мерос қолдириш ҳамма манфаатлардан устун туради, барча роҳат-фароғатлардан афзалроқдир»**, — деб бежиз айтмаган эди.

Ўтган салкам уч йиллик давр собиқ СССР таркибидаги барча мамлакатларни синовлардан ўтказди. Қайсидир мамлакатларда тўқнашувлар, фуқаролар уруши содир бўлган бўлса, бир қисм мамлакатларда ҳавойи сиёсат авж олмоқда. Айрим давлат раҳбарлари ўзларини «демократ», инсон ҳуқуқлари ва ҳаётининг ҳимоячиси қилиб кўрсатишга интилмоқдалар. Бундай осон обрў топишга интилиш халқ бошига не-не кулфатлар олиб келаётганлигини, уни тарих ҳеч қачон унутмаслигини, келажак авлод олдида бу хатти-ҳаракатларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмаслигини англаб етолмаяптилар.

Ўтиш даврининг қийинчиликлари пайтида давлат раҳбарининг сиёсий йўли, дунёқараши, воқеа ва ҳодисаларни нечоғлик таҳлил қилиши, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришини ўз вақтида тўғри англай олиши ва келажакни кўрабилиши сингари ноёб фазилатлари ёрқинроқ намоён бўлади. Давлат раҳбарининг туб ислоҳотлар даврида бошқарувнинг нечоғлик эплай билиши, давлатнинг улкан ва айни пайтда жуда оғир кемасини моҳирлик билан бошқара олиши халқ учун катта бахт, тенгсиз тоҳидир.

Ўтиш даври мамлакат раҳбаридан алоҳида фидойиликни, керак бўлса қаҳрамонликни ҳам тақозо этади. Акс ҳолда у бутун мамлакатни издан чиқариши, минг-минглаб аҳоли ҳаётига зомин бўлиши, келажак олдида эса бадном бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Сиёсатнинг кучи унинг ҳаққонийлиги ва халқчиллигида. Ҳақиқатга таянган, халқ тақдирини ва қарашларини ўзида мужассам этган сиёсатгина узоқ яшайди ва инсонпарвар ғоялари билан умуминсоний қадриятлар тараққиётида кескин бурилиш ясайди. Сиёсатнинг ҳаётийлиги унинг мамлакат ҳар бир фуқароси орзу-йўллари билан уйғунлигида, мақсад ва интилишларини ўзида нечоғлик мужассам этганлигида. Сиёсат умрининг пойидорлиги унинг қатъиятлилигида, ўз ғоясига садоқатлилигида!

Мустақиллик турли давлатлар раҳбарларининг турлича қарашларини очиқ-ойдин кўрсатмоқда. Кўпи кеча Марказий Осиё Ҳамдўстлиги тарафдори бўлиб турган қардош давлатлардан бирининг раҳбари бугун собиқ СССР таркибида қуллик занжирида юрган кунларини қўмсаб қолганини қандай тушуниш мумкин?! Сиёсатда бебурдлик давлат арбоби обрўсини тушириб юборади. Сиёсатда ўз йўлини тез-тез ўзгартириб туриш, бугунги айтган гапи кечаги гапга тўғри келмаслиги, турли вазиятда турли «ғоя»ларни ўртага ташлаб, бир бирини инкор этадиган фикрларни гапираверишнайранг бозликка ўхшаб кетади. Халқни чалғитиш, аҳоли билан ҳисоблашмаслик, мамлакат фуқаролари асосий кўпчилигининг хоҳиш-иродасига бўйсунмаслик, унинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олмаслик ҳамма вақт давлат арбобининг ўз мавқеини йўқотишига сабаб бўлади. АҚШнинг собиқ президенти Рузвельт **«Бир кишини ҳамма вақт алдаш мумкин, ҳаммани бир марта алдаш мумкин. Лекин ҳаммани ҳаммавақт алдаб бўлмайди»**, — деган эди.

Мустақилликни фақат иқтисодий категориялар билан ўлчайдиганлар катта хато қиладилар. Истиқлол кенг тушунча бўлиб, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, миллий, ахлоқий, маънавий мазмунга ҳам эга. Баъзилар собиқ СССР давридаги юзаки тўкин-сочинликни, ясама арзонгарчиликни қўмсамоқдалар. Бундай одамлар ҳар бир собиқ иттифоқдош мамлакатда бор. Минг афсуски, ана шу тушунчадаги давлат арбоблари ҳам кўзга ташланмоқда.

Дарҳақиқат, яқин ўтмишимиз сароб каби жилвагар эди. Аслида эса биз маънавий жиҳатдан қашшоқ, ахлоқий жиҳатдан бузилган, сиёсий жиҳатдан саводсиз, ҳуқуқий жиҳатдан топталган, хўрланган халқ эдик. Мустақиллик елкамизга қанчалик оғир ва машаққатли юкни ортмасин ана шу беаёв исканжадан қутилганимизнинг ўзи катта бахт эмасми? Бундай буюк неъматни берган мустақилликнинг кенг имкониятларини маънавий етук одамларгина асраб-авайлайди, барча зиддиятларга бардош бериб, ҳимоя қилади.

Иқтисодга хуруж қўйганлар, инсоннинг бутун қадр-қимматини моддий неъматлар билан ўлчайдиганлар миллатпарвар эмас. Бундай одамларда миллий ғурур бўлмайди. Миллий ифтихор барча неъматлардан устун турган олий қадриятдир. Буни фақат қомил инсонгина тушунади, етук сиёсатдонгина ўз фуқароларини ана шундай йўлга бошлайди.

Қўшни мамлакатлар иккитомонлама ва кўптомонлама ҳамкорлик минтақаларини вужудга келтириши, иқтисодий, маданий ва маърифий алоқаларни ривожлантириб бориши табиий жараён. Жаҳон давлатчилиги тарихи бундай ҳодисани юксак қадрлайди ва ҳозир бу тажриба ер шарининг турли минтақаларида, турли шаклларда амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида худди ана шу мақсаддан келиб чиқиб Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига асос солинган эди. Собиқ СССР таркибидаги мамлакатларнинг асосий кўпчилиги ана шу ҳамдўстликка аъзо бўлиб, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш асосида ўз мамлакатларидаги қийинчиликларни бартараф этиш, иқтисодий тангликни юмшатиш йўлини тутган эдилар. Бироқ, куни кеча бир давлат арбоби Евроосиё иттифоқини тузиш ташаббуси билан чиқиб, ёш мустақил давлатлар суверенитетини таҳликага солаётганини, уларнинг давлат мақоми ва ҳуқуқий имкониятларини чеклаётганини қандай баҳолаш мумкин. Миллий давлат ҳуқуқий, ижтимоий, миллий, ахлоқий, маънавий мазмунга ҳам эга. Баъзилар собиқ СССР давридаги юзаки тўкин-сочинликни, ясама арзонгарчиликни қўмсамоқдалар. Бундай одамлар ҳар бир собиқ иттифоқдош мамлакатда бор. Минг афсуски, ана шу тушунчадаги давлат арбоблари ҳам кўзга ташланмоқда.

Дарҳақиқат, яқин ўтмишимиз сароб каби жилвагар эди. Аслида эса биз маънавий жиҳатдан қашшоқ, ахлоқий жиҳатдан бузилган, сиёсий жиҳатдан саводсиз, ҳуқуқий жиҳатдан топталган, хўрланган халқ эдик. Мустақиллик елкамизга қанчалик оғир ва машаққатли юкни ортмасин ана шу беаёв исканжадан қутилганимизнинг ўзи катта бахт эмасми? Бундай буюк неъматни берган мустақилликнинг кенг имкониятларини маънавий етук одамларгина асраб-авайлайди, барча зиддиятларга бардош бериб, ҳимоя қилади.

Иқтисодга хуруж қўйганлар, инсоннинг бутун қадр-қимматини моддий неъматлар билан ўлчайдиганлар миллатпарвар эмас. Бундай одамларда миллий ғурур бўлмайди. Миллий ифтихор барча неъматлардан устун турган олий қадриятдир. Буни фақат комил инсонгина тушунади, етук сиёсатдонгина ўз фуқароларини ана шундай йўлга бошлайди.

Қўшни мамлакатлар иккитомонлама ва кўптомонлама ҳамкорлик минтақаларини вужудга келтириши, иқтисодий, маданий ва маърифий алоқаларни ривожлантириб бориши табиий жараён. Жаҳон давлатчилиги тарихи бундай ҳодисани юксак қадрлайди ва ҳозир бу тажриба ер шарининг турли минтақаларида, турли шаклларда амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида худди ана шу мақсаддан келиб чиқиб Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига асос солинган эди. Собиқ СССР таркибидаги мамлакатларнинг асосий кўпчилиги ана шу ҳамдўстликка аъзо бўлиб, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш асосида ўз мамлакатларидаги қийинчиликларни бартараф этиш, иқтисодий тангликни юмшатиш йўлини тутган эдилар. Бироқ, куни кеча бир давлат арбоби Евроосиё иттифоқини тузиш ташаббуси билан чиқиб, ёш мустақил давлатлар суверенитетини таҳликага солаётганини, уларнинг давлат мақоми ва ҳуқуқий имкониятларини чеклаётганини қандай баҳолаш мумкин. Миллий давлат органлари

НАВРЎЗ-2

ОЛТИНКЎЛ ТУМАНИ ФУТБОЛ ЖАМОАСИ:

МАҚСАД – СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ

Ўйингоҳ барпо этиш кўпчиликнинг орзуси эди. Лекин, кўпинча қўл калталик қилиб келди. Эзгу ниятлар шамолга учаверди. Минг бир баҳона рўкач қилинди. Албатта бунга сабаб билвосита ё бевосита бўлиши табиий. Аммо ортиқча ташишларга кимнинг тоқати бор дейсиз?!

Лекин шундай бўлсада ишқ бошқа, ҳавас бошқа экан. Ўтган йили туман футболчилари маҳаллий маъмурларни "исканжага" олишди. Бунга "Наврўз-2" жамоасини ғолиб келиши туртки бўлди. Вилоят биринчилигида қатнашган Наврўзчилар биринчи ўринни эгаллашганди. Уларнинг мағлубият нималигини билмай тўп суришлари мутахассисларни айниқса ҳайратга солди. Бунинг устига олтинкўлликлар илк бор вилоят кубогини ҳам қўлга киритишди. Умуман уларнинг омадлари чопди. Биринчи лигага йўлланма олиш учун ҳал қилувчи учрашувда ҳам уларга зафар ёр бўлди. Шу кунларда эса Олтинкўл" деб номланган бу жамоа Ўзбекистон миллий чемпионатининг биринчи лига футболчилари қатори мусобақага шай.

Қоидага кўра мазкур лигада иштирок этадиган ҳар бир жамоанинг ўз ўйингоҳи бўлиши кўзда тутилган.

Туманда бу борадаги ишлар кўнгилдагидек боряпти. Чемпионатнинг иккинчи давраси ўйинларини "Олтинкўл" 15 минг томошабинга мўлжалланган янги ўйингоҳда ўтказади.

Суратда:(чапдан ўнгга) биринчи қаторда: Вячеслав Якубович (массажчи), Аҳрор Юсупов (шифокор), Илдуз Шарипов (1971 й.), Зоҳид Эгамбердиев (1971 й.), Рустам Ражамаҳмудов (1967 й.), Нурилло Зокиров (1973 й.), Маҳаммад Ғаниев (1966 й.), Абдумуталлиб Аблязов (1972 й.), Павел Кайгородов (1973 й.), иккинчи қаторда: Улуғбек Маҳмудов (клуб раиси), Алексей Степанов (бош тренер), Рустам Осмонов (тренер), Умид Субҳонқулов (1973 й.), Ёзгелди Кудданов (1967 й.), Улуғбек Каримов (1975 й.), Шуҳрат Ғаниев (1972 й.), Алексей Рошчин (1967 й.), Ботир Мирзаев (1969 й.), Озод Юнусхўжаев (1967 й.), Бахтиёр Ашурматов (1976 й.), Тоҳир Ҳотамов (1975 й.), Баҳодир Мирзаев (тренер).

КЛУБ ТАШРИФНОМАСИ:

Муассислар –
Туман ҳокимлиги,
Олтинкўл трикотаж фабрикаси,
шаҳар маиший хизмат уйи,
туман саноат уйи,
"Мирзо Улуғбек" кичик корхонаси,
"Малика" фирмаси.

Рўйхатга олинди –
1993 йил ноябрь.

Дастлабки низомий жамғарма –
50 миллион сўм-купон.

Фаолият турлари–
трикотаж ва тикувчилик ишлаб чиқариши,
спорт бизнеси,
болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни ривожлантириш,
тижорат, реклама-маркетинг билан шуғулланиш.

Клуб раиси –
Улуғбек Маҳмудов.

Алоқа телефонлари:
Олтинкўл туманида – 5-61-82
Андижонда – 6-65-91
Тошкентда – 56-73-31

Спорт-у тадбиркорликда ишнинг кўзини билиб

Андижон вилоятида футбол чим устида чавгон ўйнашга нисбатан эътибордан четроқ турарди, – ҳикоя қилади "Наврўз-2" футбол клубининг раиси Улуғбек Маҳмудов. – Ўша кезларда мен Олтинкўл туманидаги трикотаж фабрикаси директорининг спорт ишлари бўйича муовини эдим. Футбол жамоаси тузишни таклиф этишганда негадир менга эриш туюлди. Боиси, жисмоний тарбия жамоамизда спортнинг кураш, бокс, енгил атлетика, шарқона беллашув каби турлари билан машғулотлар ўтказиш яхши йўлга қўйилганди. Ўзим эса каратэ ва таэквондочиларга бошчилик қилардим.

ТАШРИФНОМА: Улуғбек Маҳмудов – ёши 38 да. Андижон педагогика институтининг спорт куллиётини тугатган, енгил атлетикага ихтисослашган. Олисга 1500, 5000 ва 10000 метрга югуриш бўйича республика чемпиони. Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Болгария, Венгрия ва Олмониядаги халқаро мусобақаларда иштирок этган.

Қўл жанги бўйича йўриқчи, деган рухсатномага эга. Мактабда ўқитувчи, шаҳар ижроқўмида методист, техника хизмат кўрсатиш станцияси ва Андижон ип – газлама комбинатида жисмоний тарбия йўриқчиси бўлиб ишлаган. Ўтган йил ноябрда ўтказилган таъсис мажлисида "Наврўз-2" клубининг раиси этиб сайланган.

Спортга ошуфталиг- у касб-кор эгаси булиш каби саргузаштларим ўзига хос, –, сўзини давом эттиради Улуғбек Мухторович. Лекин футболга сира ишим тушмаганди, дўстларим Андижоннинг "Наврўз" олий лига жамоаси устозларига мурожаат этишимни маслаҳат беришди. Клуб бошлиғи Валерий Сафаров эса менга тренер Рустам Осмонов суҳбатини олишимни тавсия қилди. У бўлса ўз навбатида Андижон спорт интернатидан футболчилар гуруҳини таклиф этди. Шу тариқа маҳаллий болалар ва ўсмирлар спорт мактаби талабалари асосида клубимизнинг негизини ташкил этдик. "Наврўз-2" га пойдевор қўйилди.

Клуб раиси – Улуғбек Маҳмудов.

Ишлар юришиб кетди чоғи. Вилоят биринчилиги учун курашда Олтинкўл тумани ҳокими Баҳодир Болтабоев бизни қўллаб турди. Сирасини айтсам, биз учун мухлислик қилди. Ҳомийларимиз-трикотаж фабрикаси, туман саноат комбинати, маиший хизмат уйи, "Мирзо Улуғбек" кичик корхонаси, "Малика" фирмаларидан миннатдормиз. Бу корхоналар, тадбиркорлик тузилмалари кейин клубимиз таъсисчилари бўлишди. Ана шундай қилиб биз юридик жиҳатдан профессионал жамоа мақомини олдик.

Дастлабки низомий сармоя 50 миллион сўм-купонни ташкил этди. Клуб раҳбарлари ва тренерлар бу маблағдан озгина қисмини футболчилар эҳтиёжига сарфлашди. Қолган қисмини эса моддий жиҳатдан оёққа туриш юмушларига қарор қилинди. Хусусан трикотаж фабрикасининг цехларидан бирига хомашё, "Мирзо Улуғбек" кичик корхонаси учун ҳар турли моллар харид этилди. "Малика" фирмаси ишлаб чиқариш қувватларини оширишга кўмаклашдик.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ халқ севган ўйинни оммавийлаштиришга кумаклашаётган корхона ва ташкилотлар солиқ тўлашда имтиёзларга эгадир. Туманда бундан фойдаланилмоқда. Фойданинг бир қисми эса жамоани сақлашга сарфланмоқда. Қолгани ишлаб чиқаришни қайта инвестициялашга, тижорат бизнесига ва ўйингоҳ барпо этишга ишлатилмоқда.

– "Янгиер" футбол клуби ишлари билан танишдик, – дейди Улуғбек Маҳмудов. – Клубни акционерлаш тажрибаси билан ўртоқлашдик. Биз ҳам ўз акцияларимизни чиқариш, ўйингоҳни хусусийлаштириш ниятидамиз. Хозир балансимизда туман маданият ва истироҳат боғи бор.

Шуни таъкидлашни истардимки, футболчиларимизнинг муваффақиятлари Олтинкўл туманида маданий, қолаверса спорт ҳаётини сезиларли жонлантиришга имкон бермоқда. Енгил атлетикачилар сафи кенгайиб бораетгани айниқса қувончли. Болалар таниқли спортчи, Европа чемпиони Замира Ахтямова бошчилигида машқ қилишмоқда. Унинг 8 шогирди Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси бўлиб, шундан уч нафари Венгрияда ўтадиган жаҳон чемпионатига шайланмоқда. Боксчилар, курашчилар, баскетболчилар ҳам халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўрмоқдалар. Қизиғи шундаки, уларнинг бари клуб стипендияларини оладилар. "Наврўз-2" футбол клуби уларни кийим – бош билан тез таъминлаш, хорижга сафар қилишда ердам кўрсатиб турибди.

– Албатта ўз сафларида етакчи спортчиларга эга бўлиш обрўли, – сўзини давом этиради У. Маҳмудов – зеро, соғлом турмуш тарзини рағбатлантирувчи омиллардан етарли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Мақсадимиз истиқлол юртимиз ёшларини соғлом ва баркамол этиб тарбиялашдек хайрли ишга ҳиссамизни қўшишдан иборат.

"Ғалаба завқидан руҳланамиз"

Бош тренер Алексей Николаевич Степанов "Олтинкўл" жамоасининг янги мавсумдаги режалари хусусида ана шундай ўзига хос мулоҳазани билдирди:

– Сирасини айтганда, футболчиларимиз навбатдаги довон, яъни олий лигага чиқиш вазифасини осон эплайдилар дейиш қийин, – таъкидлайди у. – Зеро, ноумид шайтон деганларидек, хаммаси мавсум охирида маълум бўлса, ажаб эмас.

ТАШРИФНОМА: А. Степанов 62 баҳорни кўрган, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий. Футбол фахрийси. Тажрибали футбол устаси, ўз даврида Навоийнинг "Зарафшон" ҳамда "Янгиер", "Шаҳрихончи" жамоаларига устозлик қилган. Унинг бошчилигида ўтган мавсумда Марғилоннинг "Атласчи" футболчилари олий лигага йўлланма олишгани мухлисларга маълум.

Тажрибали устозга Рустам Осмонов билан Баҳодир Мирзаев каби баобрў кишилар кўмаклашмоқда.

"Олтинкўл" мураббийлари мавсумга тайёргарлик даврини етарли муваффақиятли ўтказганликларидан қониқиш ҳосил қилишганини яширмайдилар.

– Икки ой мобайнида 15 та ўйин ўтказдик,– ҳикоя қилади Баҳодир Мирзаев, – "Пахтакор" хотира – соврини учун анъанавий мусобақада ва бир қатор ўртоқлик учрашувларида олий лига жамоалари устидан ғалаба қозонганимиз айниқса қувончли бўлди. Албатта ютуқлар олдида эсанкирамасликка ҳаракат қиламиз.

Жамоа таркибида деярли ўзгаришлар бўлгани йўқ. Хусусан, Андижон вилоятида тарбия топган футболчилар жамоамизнинг асосини ташкил қилади. Улардан умидимиз катта. Шунингдек, Тошкент футбол мактабларида камол топган қобилятли ёшлар ҳам сафимизга қўшилишган.

"Олтинкўл" ўйинчиларининг ўртача ёши 23 дан ошмайди. Тренерлар уларни алоҳида ажратиб кўрсатишга аҳамият бермайдилар.

Йигитларимизни асосий ва ўринбосар ўйинчилар деб бўлмаймиз, деган маънода фикрни ўртага ташлайдилар жамоа мураббийлари ҳамфикрдир. Ҳа, футболчиларнинг барини майдонда кўришга нима етсин.

Тўғри, шу ўринда Ўзбекистон олимпия ва ёшлар терма жамоалари раҳбарлари ҳам лойиқ кўрилган футболчилар ўйинларини кузатишдаги муносабатларини бироз ўзгартиришса фойдадан ҳоли бўлмасди, деб таъкидлашни истардик.

"Олтинкўл" мавсумга тайёргарлик билан боғлиқ вазифаларни адо этиш билан бир қаторда жамоа мустаҳкам бўлишига эътибор қилмоқда. Жумладан, Андижон спорт интернати билан фарм-клуб тузиш шартномасига имзо чекилган, футбол клуби эса таъминотга олинади. Хуллас, Олтинкўлликлар катта спортнигина эмас, айни пайтда туманда жисмоний тарбия – соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш йўлида собит қадам ташламоқдалар.

Темур Низаев
Алишер Рўзиев
Суратқаш: Дмитрий Сапаров.

• *Эл соғлиғи—юрт бойлиги*

АСАБИНГИЗ НЕГА ЧАТОҚ?

Асримиз воқеаларга бой бўлди. Бир томондан неча ўн миллион одамнинг умрига зомин бўлган жаҳон урушлари, иккинчи ёқда оламшумул кашфиётлар, самонинг забт этилиши, атомнинг яралиши ва яна юзлаб ижобий ва салбий воқеалар...

Бугун-чи? Асрнинг сўнгги ўн йиллигида содир этилаётган меҳрсизлик, шафқатсизликдан тортиб экологик номутаносибликкача одамларнинг руҳиятига, оддийроқ айтганда, асабига тегаяпти. Шу каби асрнинг саноқсиз муаммолари борки...

Бугун ана шулар боис куррамизнинг бешдан бир қисм аҳолиси асаб касалликларининг қайсидир кўриниши билан касалланган. Бу бир миллиардга яқин кишига тўғри келади дегани. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш бошқармаси 1990—2000 йилларни бош мияни ўрганиш ўн йиллиги, деб эълон қилгани ҳам шундан.

Бу оламшумул муаммо мамлакатимиз соғлиқни сақлаш мутасаддилари зиммасига ҳам катта вазифалар юклаяпти. Биз яқинда республика илмий неврология марказида бўлдик. Мазкур марказнинг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. У Марказий Осиё темир йўлчиларининг марказий клиник шифохонаси қошида, профессор Наби Мажидов раҳбарлигида айни кунда тўқсондан ортиқ беморга хизмат кўрсатмоқда.

Шу ўринда асаб касалликлари хусусида икки оғиз сўз. Олимларнинг шу соҳадаги социологик тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирча энг кўп ўлим инфаркт ва ракдан кейин бош мия қон томир касалликларига чалинган беморлар чекига тушаётган экан. Ҳар бир касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш қулайроқ. Шу боис ҳам марказ шифокорлари кўпроқ бу хасталикларни келтириб чиқараётган сабабларни ўрганишга аҳамият беришяпти. Профессор Наби Мажидовнинг таъкидлашича, мунтазам оилавий урушжанжаллар, бойлик, пул туфайли келиб чиқаётган ҳар хил бўлар-бўлмас гап-сўзлар ҳам асаб касалликларининг кўпайишига сабабчи экан. Баъзан ҳатто мактаб ўқувчисида невроз хасталигининг аломатлари учраётгани ачинарли, албатта.

— Уларнинг келиб чиқиш сабабларини алоҳида-алоҳида муаммо сифатида ўрганишни мақсад қилиб олганмиз, — дейди Наби ака. — Бу бизнинг муолажа қилишимизда ҳам дастур бўлади. Ёш шифокорларимизнинг илмий ишларида асаб хасталикларининг туб сабаблари тадқиқ этилаётгани фикримизнинг далили бўлади. Бу борадаги ҳар бир янгилик фанимизнинг, қолаверса, жаҳон медицинасининг бир ютуғи ҳамдир.

Фан номзоди Ибодулла Қиличев домланинг ўнг қўли. Унинг бу соҳада олиб бораётган самарали илмий изланишларига шифокор олимлар катта қизиқиш билан қарашяпти. Дарвоқе, Ибн Синодек улуғ зотнинг ватандошлари бугунги кунда тиббиёт соҳасида дунёдаги касбдошларига ўрнак бўла олиш даражасида эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Шунингдек, улар фойдаланаётган даволаш ускуналари ҳам чаккимас.

Об-ҳавонинг тез ўзгариши, кутилмаган жазирама ёҳуд қаҳратон совуқлар ҳам баъзан беморни қаттиқ безовта қилиши, ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин экан. Шу боис вилоятларнинг иқлим шароитларига мос равишда қайси ойларда ҳудудга хос бўлган метрологик ўзгаришлар кутилиши ўрганиляпти. Бу жуда муҳимдир. Профилактик неврология, гипертониянинг мияга берадиган асоратлари, инсульт фалажларининг олдини олиш муаммолари атрофлича ўрганилмоқда. И. Қиличев эса бош мия пардаларининг сурункали яллиғланиши масаласида докторлик илмий ишини якунлаш арафасида.

Беморларга кўрсатилаётган муолажалар, уларнинг шароитлари ҳақида ҳам катта таассуротлар олдик.

Сўзимизнинг исботи бўлмиш суратга эътибор беринг-а. Темир йўл транспорти хизматида қарийб эллик йил ишлаган Суннат ака Абдураҳмоновнинг мамнуният билан айтган дил сўзлари ҳам фикримизга мисолдир. У киши шифохонага келганида бош мияга қон қуйилиши оқибатида ҳатто қўллари қотиб қолган экан. Бугун эса бемор тетик, овозлари ҳам ўктам.

Биз бу билан марказ фаолиятини тўлиқ ёритдик, дея олмаймиз. Зеро, бу соҳада ҳали қилиниши зарур бўлган ишлар кўп. Лекин элнинг энг сўнгги нажот масканига айланган шифохонанинг қурилиши, фаолият бошлашига бош-қош бўлган клиник касалхона бош шифокори Шавкат Эшонхўжаев, Наби Мажидовдай забардаст олимларимиз меҳнати, жонкуярлиги туфайли бу соҳа янада ривожланади дейишга ҳақлимиз.



Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: Бемор Суннат Абдураҳмоновнинг кайфияти яхши. Профессор Наби Мажидовнинг кўрсатмалари унинг учун қонун.

НЎЪМОН МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Бурҳон Ҳасанович СИРОЖИДДИНОВ

Республика Уруш ва Қуролли кучлар фахрийлари қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раёсати аъзоси, истеъфодаги генерал-лейтенант Бурҳон Ҳасанович Сирожиддинов 77 ёшида тўсатдан вафот этди.

Б. Сирожиддиновнинг бутун ҳаёти содиқ фарзанд ва ватанпарвар сифатида ватанга фидокорона хизмат қилиш билан ўтди.

Б. Сирожиддинов 1941—1945 йиллардаги урушнинг бошидан охиригача фашист босқинчиларга қарши жангларда бевосита иштирок этди, Москвадан Калининградгача бўлган оғир йўлни босиб ўтиб, мардлик ва жасорат кўрсатди, Беларусь ва Польша заминини душмандан озод қилиш учун бўлган жангларда қатнашди.

Б. Сирожиддинов ҳарбий дан кейинги йилларда, ҳарбий ўқув юртини тугаллагач, бир неча йил мобайнида республика ҳаво ҳужумидан мудофаа штабини бошқарди. 20 йилдан ортиқ ички қўшинлар бўлинмаларига командирлик қилди. Б. Сирожиддинов ҳарбий кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашга кўп куч ва ғайратини сарфлади, узоқ вақт ички қўшинлар марказий курслари бошлиғи бўлди.

Б. Сирожиддинов сўнгги йилларда фахрийлар ҳаракатида фаол иштирок этиб, ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга оширди.

Б. Сирожиддинов ҳарбий бурчини сидқидилдан бажаргани учун кўпгина жангговар ва меҳнат орденлари ҳамда медаллар билан мукофотланган, унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони берилган эди.

Ажойиб, сезгир ва камтар инсон, ватаннинг содиқ фарзанди, фаол жамоат арбоби Б. Сирожиддиновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

И. Каримов, Э. Халилов, А. Муталов, И. Жўрабеков, Т. Алимов, М. Умурзоқов, М. Қорабоев, Р. Аҳмедов, З. Алматов, Ғ. Алиев, Б. Раҳимов, С. Охунжонов, П. Шевелёв, Г. Стрелцов, С. Буличев, А. Алимов.

ҚАСРИ ОРИФОНДА «ФАРҒОНА БОҒИ»

● Яқинда Бухоро боғлари сони биттага кўпайди. Қасри Орифон — Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари таваллуд топган заминда катта чорбоғ бунёд этилди. Шуниси диққатга моликки, уни бухороликлар эмас балки фарғоналик дўстлар бунёд этдилар. Бундай савобли ишни улар ҳазрат таваллудининг 675 йиллиги тантаналарида қатнашганларида кўнгилларига тугиб қўйгандилар. Боққа 11 хил мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ниҳоллар узоғи билан 3—4 йилда ҳосилга киради. Боғ эса Бухоро ва Фарғона вилоятлари меҳнаткашлари дўстлиги, биродарлиги тимсоли бўлиб қолади.

ХАРЧИНОМА

НЕОВИРИНЛАР БИОЛОГИК ИНСЕКТИЦИДЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

НЕОВИРИНЛАР: — бу ўрмаловчи зараркунандаларга қарши курашишнинг самарали ва тежамкор воситасидир:
— юқори ҳосил гарови;
— қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экологик жиҳатдан мусаффодир;
— инсон ва атроф-муҳит учун безарар.

НЕОВИРИНЛАР: — вирусларга қарши ишлатиладиган анъанавий инсектицидларга нисбатан анча афзал: — зараркунандаларни йўқ қилиш самарадорлиги 90-95 фоизгача оширилган.

Неовирин билан ишлов берилгандан кейин 2-3 кун ўтиши билан зараркунандаларга тез таъсир этиб, уларни қириб ташлайди.

Сабзавот ва мевали экинларнинг турли зараркунандаларига қарши курашиш учун НЕОВИРИНнинг иккита дори шаклидаги препарати тавсия этилади:

НЕОВИРИН ЯП — олма дарахтининг мевасини кемирувчи хавфли зараркунандаларини йўқ қилиш учун қўлланиладиган препарат. Бу препарат мевазор боғлар ғарқ гуллаганда дарахтларга пуркалади. Сарф меъёри бир галги ишлов учун 1 гектар майдонга 0,3 литрдан иборат.

НЕОВИРИН ЯП билан ишлов берилганда боғзорлар даромади камида 2 марта кўпаяди.

НЕОВИРИН КС карам экинлари зараркунандаларини йўқ қилиш учун ишлатиладиган препарат. Карам, гул, РАПСга шикаст етказувчи ўрмаловчи қуртларни тугатишда ғоят самарали. Ўсимлик вегетация пайтида пуркалади. Бир ишлов сарф меъёри бир гектар майдонга 0,1—0,2 литр.

НЕОВИРИН тахминий баҳоси — 1 литр учун Россиянинг 100 минг рубли (1994 йил 30 мартда).

НЕОВИРИН самарадорлигини намойиш этиш учун 100-200 кв.м. майдонда бепул тажриба намойиши ташкил этилиши мумкин.

Маълумотлар олиш учун

ТЕЛЕФОНЛАР: 34-75-49, 34-97-77.

ШОДОН ТАБАССУМ ВА ХУШ КАЙФИЯТ

тақдим этувчи

«СТОМАСЕРВИС»

хусусий поликлиникасида ҳафтанинг 7 кунида— дам олишсиз **ТЕРАПИЯ, ЖАРРОҲЛИК, ОРТОПЕДИЯ** соҳалари бўйича мутахассислар Сизга тиббий хизмат кўрсатишга ҳозиру нозир.

Рентген хонаси, лазер терапияси, физиотерапия, металлокерамика, шунингдек, парадонт сингари барча касалликларни даволаш бўйича мижозларга хизмат кўрсатилади.

СТОМАТОЛОГИЯ соҳасида жаҳоннинг етакчи фирмалари техникаси ва дори-дармонларидан фойдаланиб, замонавий технологияни қўллаш даволашни оғриқсиз ўтказади.

«СТОМАСЕРВИС»

мижоз буюртмасига кўра, уйга бориб якка тартибда сизга хизмат кўрсатишга тайёр.

Майин мусиқа, қаҳва, ёки бир пиёла чой ажбурий муолажага ҳузур бахш этади.

МАНЗИЛГОҲ: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 428-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 64-39-16, 69-89-65.
ФАКС: (3612) 64-94-20.

«СТОМАСЕРВИС» — ЮҚОРИ СИФАТ ВА УЗОҚ МУДДАТГА КАФОЛАТ БЕРАДИ.

«Ўзбекбирлашув»нинг «ТОШКЕНТ МАЪДАНЛИ СУВЛАР» сиҳатгоҳи Сизни даволаниш ва дам олиш учун 1994 йил апрель, май, июнь ойларига таклиф этади.

Йўлланма баҳоси республикамизда энг арзон 24 кунга 390000 сўм-купон.

Сиз ўзингизга қулай шаклда пул тўлашингиз мумкин. Санаторий қошида 6 ва 12 кунлик йўлланмалар (ётиш жойи ва овқатланиши билан) сотилади.

Сиҳатгоҳимиз Тошкент вилояти Тошкент ноҳиясининг хушманзара ерида жойлашган. Бу ерга «Чорсу» шоҳ бекатидан автобуслар қатнайди.

МАЪЛУМОТЛАР
олиш учун телефон: 45-71-63.

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Жиззах педагогика институтида Алишер Навоий номидаги республика Давлат мукофоти лауреати шоир Барот Бойқобилов билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш. Чилғашев очди. Жиззах давлат педагогика институтининг профессори, филология фанлари доктори Ф. Бойназаров шоир ва навоийшунос олим Б. Бойқобиловнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида гапирди.

Республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор А. Қаюмов ва Беруний номидаги шарқшунослик институти катта илмий ходими, филология фанлари доктори О. Усмон шоирнинг «Навоийнома» чоркитоби мазмуни ҳақида сўзлаб бердилар.

Учрашувда шоир Б. Бойқобилов «Навоийнома» асарининг ёзилиш тарихи, келгуси режалари ҳақида гапириб, кейинги ижод намуналаридан ўқиб берди. Институт ректори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Содиқ Нишонов кеча якунида сўз олиб, барча муштарийлар номидан шоирга ижодий муваффақиятлар тилади.

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУЮК ДАВЛАТ ВОРИСЛАРИ

«Соғлом авлод тарбияси — буюк давлат қуриш заминидир». Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида шу мавзуга бағишланган республика анжумани бўлиб ўтди. Унда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, мудофаа ишлари вазирликлари, жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва бир қанча жамғарма вакиллари иштирок этишди.

Анжуманни Республика Вазирлар Маҳкамасининг бўлим мудири Ю. Шодиметов қисқача кириш сўзи билан очди. Сўнгра Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Тўлаганов, ижтимоий таъминот вазири Б. Умрзоқов, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б. Йўлдошев, «Соғлом авлод учун» жамғарма раиси Г. Йўлдошева, республика диагностика маркази директори Д. Ғуломова, Ўзбекистон жисмоний тарбия институти профессори Ф. Насриддинов ва бошқалар маъруза қилишиб, шу масалага оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» ордени ва жамғармаси таъсис этилгани ҳукуматимиз ёш авлод саломатлиги ва тарбиясига нечоғли катта аҳамият бераётганлигини билдиради. Зеро, келажак ёшлар қўлида. Шундай экан, фарзандларни соғлом, тетик, баркамол қилиб тарбиялаш шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Равшан ШОДИЕВ.

Сурхондарёда иқтидорли шахматчи камол топмоқда. У сариоснёлик бўлиб, ҳозирча Теша Сайдалиев номли мактабда ўқиб турибди. 8-синф ўқувчиси дона суриш машқларини олти ёшдан бошлаган. Кунн кеча ўн тўрт ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этувчи номзодларни саралаш баҳсида унинг қобилияти яна бир бор намоён бўлди. Ўтган йили Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлган Бегали Саидов энди республика терма жамоаси аъзоси сифатида Ўзбекистон шарафини жаҳон чемпионатида ҳимоя қилади. Умидли шахматчимизнинг Ватанимиз довруғи йўлидаги саъй-ҳаракатларига барака тилаймиз.

СУРАТДА: моҳир шахматчи Бегали САИДОВ.

Суратқаш Абдувоҳид ТЎРАЕВ.

МУСОБАҚА БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

Ўзбекистон пойтахтининг бош спорт майдони — «Пахтакор» стадионида 11 апрель куни Тошкентдаги футбол бўйича Халқаро мусобақа тантанали йўсинда очилди. Ўзбекистонлик «чарм тўп» усталари таржимаи ҳолида бу воқеа билан янги саҳифа очилди. Бу ерда биринчи марта халқаро футбол федерацияси (ФИФА) ва Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) ҳомийлиги ва ёрдамида ўтадиган мусобақа бошланди.

Марказий Осиё минтақаси — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон миллий терма командалари футбол майдонида саф тортиб туришди. Улар пойтахтдаги энг яхши футбол майдонларида биринчиликни, шунингдек ҳомийлар томонидан тайёрланган совринлар, эсдалик совғаларни қўлга киритиш учун курашадилар. Шуни айтиш кўнгиллики, бу мусобақаларни муваффақиятли ўтказиш учун республиканинг 29 корхонаси, ташкилоти, тижорат тузилмалари ўз ёрдамларини таклиф қилдилар. Жумладан, Тошкент учрашувининг қатнашчиси бўлган ҳар бир команда футбол тўпи тасвири тушириллган кубокни эсдалик учун олади. «Совпластитал» корхонаси жамоаси спорт ҳаётидаги бу муҳим воқеага ана шундай ажойиб спорт «ўлжаси» тайёрлади.

Йиғилганлар олдида Ўзбекистон Бош вазири, Республикамизнинг миллий футбол федерацияси президенти А. Муталов сўзлади.

Осиё футбол конфедерацияси вице-президенти, ФИФА ижроия қўмитаси аъзоси Жорж Селваназан Жозеф мусобақа қатнашчиларини, меҳмонларни, кўплаб мухлисларни катта спорт байрами бошланганлиги билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси садолари остида терма командаларнинг капитанлари давлат байроғини кўтарадилар. Мусобақа очиқ деб эълон қилинади.

Мусобақани очиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, халқаро мусобақани ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси М. Қорабоев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков иштирок этдилар.

Шу куни ўн тўққизинчи апрелгача давом этадиган мусобақанинг биринчи учрашувлари бўлиб ўтди.

(ЎзА мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

АНДИЖОН. Избоскан туманида ғалати воқеа содир бўлди. 95 ёшли чолнинг уйига кечаси бостириб кирган талончи бечоранинг юзини кўрпа билан беркитиб, ундан пул талаб қила бошлади. «Мабодо топиб бермайдиган бўлсанг, ўлдираман» — деди. Саросимага тушган қария уйида 6 та лампочка ва бошқа уй-рўзғор буюмларини олиб кетса ҳам жим тураверди.

Кейин маълум бўлишича, ушбу жиноятни содир этган киши Пахтаобод туманининг «Маданият» давлат хўжалигида яшовчи икки кам ўттиз ёшли йигит экан. Ашёвий далиллар олингач, унинг чолни бу қадар ҳафа қилгани ҳақида тергов бошлаб юборилди.

* * *

ТОШКЕНТ. Оҳангарон туманида яшовчи уч киши дўппослаган йигит бир кун ўтиб касалхонада қазо қилди.

Жанжал туфайли содир этилган воқеанинг «қаҳрамон»лари қўлга тушди. Улар қилмишига яраша жазони кутишмоқда.

* * *

ФАРҒОНА шаҳрининг ўзида рўй берган воқеа эса жуда бошқача.

Гидролиз заводининг ахлатхонасидан шахси аниқланмаган жасад топилди. Тезкор қидирув-суриштирувлардан сўнг унинг шахси ва қотилларини аниқлашга муяссар бўлинди. «Қурувчи» кичик корхонасида ишловчи бу шахснинг қотилларидан бири қирғизистонлик, иккинчиси тожикистонлик бўлишига қарамай, аслида уларни қотилликни содир этишга бошлаган шахс марҳумнинг хотини экан. У мол-мулкини Россияга олиб кетиш мақсадида эрини ўлдирган икки ёш йигитга бир миллион сўм ваъда қилади. Накибоев ва Тожибоевлар эса эрни ўлдириб, оқ чойшабга ўрашади-да, жасадини бояги, гидролиз заводи ахлатхонасига ташлаб келишади.

Прокуратура ходимлари томонидан кўрилаётган бу иш ҳадемай тугайди.

Шуҳрат РУЗИЕВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳрир ҳайъати Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи Комилжон Жуманиёзовга отаси

Абдулла ЖУМАНИЁЗОВнинг

бевақт вафоти этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради ва оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳаҳбарияти ва шахсий таркиби Республика фахрийлар Кенгаши ҳайъатининг аъзоси, истеъфодаги генерал-лейтенант

Бурҳон Ҳасанович СИРОЖИДДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИҲСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда 5-27-11; Нукусда — 7-58,83;
Бухорода — 3-96-12; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Қумқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-46-24; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—890 тир. 85501. топширилди—01.00.

Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. № 2 3 4 5 6.